

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60410100– Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202¹ йил «24» 08 даги Ч - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202¹ йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (төмөр йўл транспорти)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (төмөр йўл транспорти)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (төмөр йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1.	<i>60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (төмөр йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (төмөр йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	<i>60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (төмөр йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (төмөр йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (төмөр йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар	6
2.2.	Касбий компетециялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув вараги.....	9

1. 60410100 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60410100 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60410100 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60410100 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳукуқига эга хисобланади.

1.1.2. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул хамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим
- ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг ота оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60410100 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 60410100 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятининг соҳалари:

60410100 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти) бакалавриат таълим йўналиши – “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, иқтисодиёт, шу жумладан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги субъектлар фаолиятинининг ҳисобини юритиши; молиявий назоратни амалга ошириш; тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналари солик тизимидағи ўзаро муносабатлари; тармоқлар ва соҳалар бўйичада бошқарув карорларини кабул килиш учун асос бўлувчи бухгалтерия, молиявий хамда статистик ахборотларни йиғиши, қайта ишлаш жараёнларини ҳужжатлаштириш, тартибга солиш ва шакллантириш; тармоқлар ва

соҳалар бўйича корхоналарида ташиш жараёнида бухгалтерия ва статистик ҳисоби ишларини ташкил қилиш ва юритиш; тармоклар ва соҳалар бўйича саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ресурслардан фойдаланиш бухгалтерия ҳисоби ва тахлили; аудиторлик текширувларини ўтказиш; тармоклар ва соҳалар бўйича ички аудит хизмати бўлимларида аудиторлик фаолияти; тармоклар ва соҳалар бўйича корхоналарида молия, солик ва бухгалтерия ҳисоби соҳаларида касбий хизматлар кўрсатиш билан боғлик комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 60410100 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошкалар;
- иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармокларида ташкилот, корхона ва муассасалар бухгалтерия, статистик ҳисоби ва ички назорат бўлимлари;
- тармоклар ва соҳалар, шу жумладан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги субъектларининг фаолияти, эришилган натижалар, улар мулки ва бу мулкни ташкил топиш манбалари

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режисаларини ишлаб чиқшида ҳисобга олиниши назарда тутилади.

1.2.3. 60410100 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- ахборот-тахилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

1.2.4. 60410100 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60410100 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси хамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув хамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- тармоклар ва соҳалар, шу жумладан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги субъектлар бухгалтерия ҳисоби жараёнини ташкил этиш ва юритиш;
- тармоклар ва соҳалар, шу жумладан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги субъектлар бухгалтерлик ва аудиторлик фаолиятларини ташкил қилиш хамда бошқариш жараёнларини режалаштириш, юритиш, тахлил қилиш ва оптималлаштириш, бухгалтерлар ва аудиторлар гурухи жамоасини бошқариш;
- тармоклар ва соҳалар, шу жумладан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги субъектларда бошқарув карорларини кабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш.
- корхонада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга сарфланадиган харажатларни ҳисобни юритиш;
- корхонада меҳнат, молиявий ва моддий ресурсларини ҳисобга олиш ва улардан

самарали фойдаланиш имкониятларини аниклаш;

– тармоклар ва соҳалар бўйича саноат корхоналарида бухгалтерия хисобини юритиш;

– тармоклар ва соҳалар бўйича ёрдамчи-кўмакчи фаолияти корхоналарида бухгалтерия хисобини юритиш, молиявий хисботларни тузиш ва уларни тахлил қилиш;

– касбий этикага риоя қилиш.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

– бошқарув карорларини қабул қилиш учун “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналарнинг ташки ва ички фойдаланувчилар учун маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тахлил қилиш;

– карор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;

– кундалик ва умумий маълумотлар олиш мақсадида корхона, акциядорлик жамияти, муассаса, ташкилот ва бошқаларнинг хўжалик фаолиятини узлуксиз равишида кузатиш ва назорат қилиш;

– ахборот-таҳлилий фаолияти натижалари бўйича хисбот тайёрлаш;

– асосланган бошқарув карорларини қабул қлиш мақсадида релевант маълумотларни тақдим этиш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидағи фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуклар ҳакидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;

– бухгалтерия хисоби ва аудит (темир йўл транспорти) таълим йўналишларидағи фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютукларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда катнашиш;

– маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли тахлил қилиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;

– илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

– бухгалтерия хисоби ва аудиторлик хизматлари бозори ривожланишнинг тахлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

– бухгалтерия хисоби, консалтинг хизматларини кўрсатиш.

2. 60410100 - Бухгалтерия хисоби ва аудит (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

– давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустакил тахлил кила олиш;

– хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар мөҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурый билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

– ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни ийғиши, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши,

фаолиятида мустакил асосланган қарорлар қабул кила олиш;

– янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал килиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

– темир йўл транспорти тизими соҳасидаги бухгалтер касбий билимлари ва хусусиятларини амалда қўллашни билиш;

– темир йўл транспорти тизими соҳасидаги ички аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ва унинг соҳавий хусусиятларини қўллашни билиш;

– темир йўл транспорти тизими соҳасидаги бухгалтерия, статистик ва солиқ хисобини юритиш;

– молиявий, солиқ ва бухгалтерия хисоботларини тузишни билиш;

– темир йўл транспорти корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишни билиш;

– темир йўл транспорти корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини соҳавий хусусият асосида таҳлил килиш;

– темир йўл транспорти корхоналари молиявий ҳолатини баҳолашни билиш;

– темир йўл транспорти корхоналари хўжалик ҳолатини баҳолашни билиш;

– темир йўл транспорти корхоналари бошқарув ҳолатини баҳолаш ва таҳлил килишни билиш;

– илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган амалий тизимлар инструментал воситалари ва мухитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

– бухгалтернинг касбий этика коидаларига риоя қилишни билиш;

– темир йўл корхоналари молиявий ресурсларини хисобга олиш, уларни сарфлаш жараёнларини таҳлил қилишни билиш.

– корхоналарда ички хўжалик назоратини ўрнатишда консалтинг хизматларини кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш кўникмаларига эга бўлиш;

– халқаро стандартлар асосида молиявий хисоб ва хисбот кўрсаткичларини шакллантиришни билиш;

– самарали бошқарув карорларини қабул килиш учун ички хисоб ва хисбот маъмуротларини қайта ишлаш ва баҳолашни билиш;

– касбий фаолиятда темир йўл транспорти корхоналарида бухгалтерия хисоби, аудит, статистик хисоблашнинг замонавий усулларини қўллаш кобилиятига эга бўлиши.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув даври, бухгалтерия хисоби, аудит, тармоклар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўкув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойихалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



20 йил « »

М.ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари  А.Муминов

202 йил « »
М.ў.



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсанов



202 йил « »
М.ў.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси



А. Хамролиев

202 йил « »
М.ў.



Ректор

202 йил « »
М.ў.

Ташкент молия институти

 Т.Тешабаев